

## ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА БОЛАЛАР АГРЕССИВ ХУЛҚ АТВОРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

**Дилафрўз Суюновна Қаршиева**

Тошкент давлат педагогика университети доцент в\б

**Захро Расулова**

Тошкент давлат педагогика университети магистранти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақола педагогик фаолиятда болалар агрессияни бошқаришнинг психологик хусусиятлари таҳлил қилиб берилган. Педагоглар томонидан болалардаги агрессияси даражасини аниқлашда уни келтириб чиқарадиган омилларни чуқур таҳлил қилиш орқали амалга оширилган. Шунингдек, болада стресснинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларни уларни бартараф этиш бўйича психологик тавсиялар ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** агрессия, стресс, педагог, оилавий муҳит, педагогик жамоа.

### PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF MANAGEMENT OF CHILDREN'S AGGRESSIVE BEHAVIOR IN PEDAGOGICAL ACTIVITY

#### ABSTRACT

In this research thesis analyses the psychological features of management of children's aggression in the pedagogical activities. It was carried out by teachers through an in-depth analysis of omillarni, which produced it when determining the degree of aggression in children. There are also psychological recommendations regarding the causes of stress in the child and their elimination.

**Keywords:** aggression, stress, pedagogue, family atmosphere, pedagogical team.

#### КИРИШ

Инсон қайси соҳада фаолият юритишидан қатъий назар у касбий фаолият билан боғлиқ стрессоген омилларга тўқнаш келади. Педагог касби эса “инсон-инсон” тизимидаги фаолият соҳаси бўлганлиги боис касбий стрессорга бойдир. Стресс турли хилдаги психик бузилишларнинг келиб чиқишига сабаб

бўлаётганлигини, натижада ходимларнинг иш қобилияти сусайиб, иш самарадорлиги пасайиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Халқаро стрессни бошқариш ассоциацияси мутахассислари томонидан иш жараёнида юзага келадиган негатив психик зўриқишлар, болалардаги агрессия, ишчи-ходимларда касбий чарчоқ, сурункали толиқиш, эмоционал-иродавий жараёнлардаги бузилишлар айнан касбий стрессларни келтириб чиқарувчи омил эканлиги асосланган.

Ҳозирги кунда таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдир. Мактабгача давр – боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганиш, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Айнан шу даврда бола баркамол шахс сифатида ривожланиши учун пойдевор қўйилади [1].

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланиши ва тарбияси – бир бутун ва узлуксиз жараён бўлиб, у доимо педагог ва ота-оналарнинг диққат-эътиборида бўлиши зарур. Бола қанчалик муваффақиятли ривожланаётганлиги, ижтимоий тараққиёт йўлини эгаллаш жараёнида қандай тўсиқлар учраши мумкинлигини олдиндан тушуниш малакавий ёндашишни талаб этади [1].

Шахс ривожланиш жараёнида турли ўзгаришларни бошидан ўтказди. Турли характерга эга бўлган объектив ва субъектив омиллар таъсирида, хусусан мактабгача ёшдаги болалар хулқ-атворида ўзгаришлар, жумладан агрессив ҳолатлар кузатилади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, педагоглар томонидан болалардаги агрессия ва унинг психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илмий адабиётларда “агрессия”га (лотин. *aggressio* – хужум) “йўналтирилган салбий хулқ-атвор, ижтимоий муҳитдаги қоидалар, нормаларга амал қилмаслик, инсонларга жисмоний ва руҳий зарар келтириш” дея таъриф берилади [2].

“Болалар агрессияси – болаларга хос тажовузкорона хатти-ҳаракат. У болалар алам ёки ғазаб туйғуларини бошларидан кечириб, уларни изҳор этишнинг ижтимоий мақбул усулларини топа олмаган ёки катталарга тақлидан йўл тутган пайтларда намоён бўлади. Бола ўз кўркувини яширишга интилган ҳолатларда психологик жиҳатдан ўзини ҳимоялаш реакцияси бўлиши ҳам мумкин” [2].

Агрессивлик ҳолати кўпчилик кичик ёшдаги болаларга хос бўлиб, кўп ҳолларда агрессив хатти-ҳаракат ўтиш даврида кузатилади. Бола ёш даврлари инкирози пайтида қийинчиликларга рўбарў бўлади, натижада унинг хатти-ҳаракатларида агрессия элементлари кузатила бошланади. Одатда, боладаги тушкунлик, сиқилиш ҳолатларига катталар томонидан етарлича эътибор қаратилмайди. Аслида бундай ҳолат болада чуқур таассурот қолдириб, ўтиши қийин кечади.

Агрессив болаларнинг хусусиятлари:

- ҳар бир вазиятда хавф-хатар сезиш;
- ўзига нисбатан салбий муносабатни ҳис этиш;
- атрофдагиларни салбий идрок қилиш;
- ўзини назорат қила олмаслик;
- салбий хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини ўйламаслик;
- инсонлар ва ҳайвонларга нисбатан бағритошлик;
- агрессиядан завқланиш, у ёрдамида кучли бўламан, деб ўйлаш.

Агрессив хатти-ҳаракатлар:

- бошқаларга (оғзаки, имо-ишоралар орқали) таҳдид;
- жисмоний зўравонлик;
- зўравонлик қилишда буюмлардан фойдаланиш, зарар келтириш.

Мактабгача ёшдаги болаларда агрессив хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Носоғлом оила муҳити:

- оилада меҳр-муҳаббатнинг етишмаслиги;
- оилада ўзини ортиқча, кераксиз ҳис этиш;
- ҳиссиётларига нисбатан бефарқликни сезиш;
- оиладаги нотинчлик, уриш, жанжаллар.

2. Катталарнинг муносабатлари:

- болалар билан негатив мулоқот;
- кўп буйруқ бериш, айблов ва таҳдидлар;
- болани танқид ва ҳақорат қилиш;
- боланинг хоҳиш-истакларига қарши чиқиш, ҳисобга олмаслик. Бу ҳолат

болаларда қасосни ривожлантиради.

3. Телевидение:

- жангари фильмлар;
- мультфильмлар.

4. Мактабгача таълим муассасаларида боланинг тенгдошлари билан муносабати:

- гуруҳдаги ўрни;
- тенгдошларининг муносабатларидан қониқмаслиги.

Юқоридаги ҳолатлардан шу маълум бўладики, аксарият ҳолларда боладаги агрессиянинг сабаби оилавий муносабатлар саналади.

Болалардаги агрессив муносабатлар, хатти-ҳаракатларни бартараф этишни аввало оиладаги муносабатларни ўрганиш, ота- оналар билан ҳамкорлик қилишдан бошлаш лозим. Агрессив боланинг ота-онаси билан ишлаш қийин жараён. Бунинг асосий сабаби ўша ота-оналар ҳам ўз вақтида агрессив фарзанд бўлган. Руҳий қийинчиликлар эса фарзандларга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаси психологи ишни ота-оналар билан психотерапевтик ишларни олиб боришдан бошлаши тавсия этилади.

Биринчидан, ота-оналарнинг болага нисбатан фикрини ўзгартириш керак. Чунки, ота-она агрессив боласини ношуд деб ҳисоблайди, бола уларнинг ҳиссиётлари ва рўқачларига жавобан афсусланади, ўз айбини ҳис қилади, кечирим сўрайди ва уларни тинчлантиради, деб кутади. Ота-онада болага нисбатан раҳм уйғотиш керак, сабаби агрессив бола ҳар доим бахтсиз бола ҳисобланади.

Иккинчидан, ота-оналардан ўзларининг болалигини эслашни сўраш, ёшлик давридаги агрессивликларининг сабабларини ёдга солиш зарур.

3-7 ёшдаги агрессив болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар. Агрессив болалар билан ишлашда қўлланиладиган усуллар ҳозирги кунда энг оммалашган психотерапевтик ишларнинг гуруҳий усулидир.

Боладаги агрессивликни бартараф этиш, яъни коррекция қилишни унинг сабаблари, келиб чиқишини аниқлашдан бошлаш лозим.

Коррекцион услуб ҳар бир болага алоҳида йўналтирилган бўлиши талаб этилади. Буни қуйидаги коррекцион ишларни кўриб чиқишда ҳисобга олиш керак:

1. Агрессияни бартараф этишда ўйиндан фойдаланиш, янги ижтимоий ёндашишни татбиқ этиш, маънони эмоционал тўлдириш.

2. Боланинг агрессив ҳаракатларини тақиқлаш (болага агрессияни кўрсатишга йўл қўймаслик).

Психолог коррекцион ишларни фақат бола билан эмас, параллел равишда ота-оналар ва тарбиячилар билан ҳамкорликда олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Бола ҳар доим уни яхши кўришларини сезиши ва тушуниши лозим. У онасига кераклигини ҳис қилиши даркор.

3-7 ёшдаги агрессив болалар билан олиб бориладиган психокоррекция ишларнинг вазифалари:

- бошқа шахс ҳолатини тушуниш қобилиятини ривожлантириш;
- ижтимоий мақбул тарзда ўз ҳис-туйғуларини ифода қилиш қобилиятини ривожлантириш;
- ауторелаксацияни ўргатиш;
- мулоқот кўникмаларини ривожлантириш;
- шахсий ютуқлари асосида ўзини ижобий тасаввур қилишни шакллантириш;
- атрофдагиларга нисбатан илиқ муносабатни шакллантириш;
- зўриқишларни бартараф қилишни ўргатиш.

Болаларда агрессивликни бартараф қилиш учун уларга қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- жисмоний ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш;
- қоғоз йиртиш;
- уришгиси келаётган одам расмини чизиш ва йиртиб ташлаш;
- психо-гимнастика билан шуғулланиш;
- эртактерапия, изотерапия (лой, сув билан ишлаш), арттерапия (расм чизиш), музикий терапия, анималотерапия (уй ҳайвонларини силаш, эркалаш)дан фойдаланиш.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Агрессив хулқни “ёмон” хулқ билан бир хил ҳисоблаш мумкин эмас. Оғир, хавфли вазият пайдо бўлганида агрессивлик ҳимоя вазифасини, баъзида эса вазиятни бартараф этувчи вазифасини ҳам бажаради. Агрессив хулқ, айниқса, болада ёшга хос бўлган ўтиш даврида кузатилади. Бу шундан далолат берадики, ўтиш даврида бола ҳар қандай мураккаб вазиятда қийинчиликни ҳис қилади ва шу сабабли унда агрессив хулқнинг унсурларини кузатиш мумкин. Бу шу даврни бошдан кечираётган барча болаларга бирдек тегишли. Бола ҳиссий оламида бузилиш бўлганида агрессия одатий ҳодисага айланади, ҳатто хулқ-атворнинг бирдан бир шакли бўлиб қолади. Бироқ, шунга қарамасдан, бола хулқида агрессивликнинг бор бўлиши улар билан ўзаро муносабатда қийинчилик туғдиради. Ҳар замонда кузатиладиган агрессив туғёнларни тасодифий салбий ҳолат деб баҳолаб бўлмайди.

Шуни эсда тутиш керакки, бола ҳиссий оламининг ривожланиши жараёнида унинг фаоллиги қонуний равишда ортиши мумкин. Одатда, катталар ёрдамида ўтказилган руҳий тузатишнинг бу зарурий босқичида бола ўзини қуршаган реалликка мос келадиган мулоқотни ўзлаштириши мумкин.

Бола агрессиясини бартараф этишни унинг сабабини аниқлашдан бошлаши лозим. Агар агрессия ҳиссий оламнинг бузилиши сабабли бўлмаса, тузатиш ишларини уни йўқотишга эмас, балки салбий оқибатларга олиб келувчи агрессив хулқни юмшатиш ва унинг намоён бўлишига йўл қўймасликка қаратиш лозим. Шу билан бирга, катталарнинг ўзини ҳам боладаги агрессив ҳаракатни ижобий идрок қилишга тайёрлаш лозим.

Бошқа ҳолатда, яъни агрессия бола ҳиссий оламидаги бузилишнинг намоён этилиши бўлса, ота-она ҳаракати боланинг мустақамланмаган агрессив ҳаракатига йўналтирилиши лозим. Уларга қуйидагича таъсир кўрсатиш мумкин бўлади:

- Агрессияга мойилликни эътиборга олмай қўйиш, унга атрофдагиларнинг диққатини қаратмаслик.
- Агрессив ҳаракатларни ўйин мазмунига киритиш ва унга янги ҳиссий мазмун бериш.

Бу орқали боланинг атроф дагиларга зарар етказмаган ҳолда агрессив мойиллигини чиқариб юбориш (масалан, қароқчи ва казаклар ўйинида агрессив хулқли болага қароқчи ролини бериш).

Эслатма. Агрессия – шахснинг бузғунчиликка интилиши билан характерланувчи хусусияти бўлиб, асосан шахслараро муносабатлар соҳасида намоён бўлади.

## **ХУЛОСА**

Ўсмирлик даври қарама-қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар “кризислар”, “таназзуллар” даври ҳам деб атайдилар. Сабаби ўсмир руҳиятида шундай инқирозий ҳолатлар рўй берадики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томон-дан, ўзи ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етмайди. Психологик жиҳатдан ўсишида унинг руҳиятида кескин бурилишлар юз беради. Бу кўринишларни биз уларнинг характер хусусиятидаги “оғиш”ликларда кўришимиз мумкин ва бу оғишликлар уларнинг хатти-ҳаракатларидаги “портлаш” ва агрессияга (тажовузкорликка) мойил бўлган аффектив кўзгалувчанликдир. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий адаптациянинг (мослашишнинг) бузилишини, жумладан қонунбузарликнинг

сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки аффектив кўзгалувчанлик кўп жихатидан ўмирлик даврига тўғри келади. Бу ҳолат меъёрда ҳам куза атилади. Унинг вужудга келиши бу ёш фазасининг вегетатив эндокрен системанинг қайта қурилиши бўлса психологик ўзгариш портлаш ва агрессияга (тажоввузкорлик) мойил бўлган аффектив кўзгалувчанликдир. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий адаптациянинг (мослашишнинг) бузилишини, жумладан, қонунбузарликнинг сабабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо психик соғлом атроф муҳитнинг қулай шароитларида тарбияланаётган ўсмирларда аффектив кўзгалувчанлик адаптациянинг бузилишига олиб келмайди [5].

Ўсмир шахси характеридаги оғишларнинг шаклланиши уларнинг типларини аниқлаш, тиббий психологик ва тиббий педагогик ишларни актив олиб бориш учун зарурдир. Хулқ-атвори оғир ўсмирларнинг шахси шаклланишига кўпчилик ҳолларда оилавий шарт-шароитлар, ота-онанинг ёки қариндошлар-нинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир кўрсатади. Тарбияси оғир ўсмирлар учун одатда ўқишга, умум эътироф этган қоидаларга нисбатан зид муносабат бўлиб, охир-оқибатда бу уни синфига, мактабга, билим юрти жамоасига, қарама-қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда тарбияси қийин ўсмирлар-ички салбий муносабатлар натижасида мактаб жамоасида ўз ўрнини топа олмаган ўқувчилар бўлиб чиқади. Ўсмирлик ёшида катта ёшдагилар, ота-оналар ва ўқитувчилар билан келишмовчиликлар рўёбга чиқадики, бу фақат табиий ўсиш жараёни билангина эмас, балки, ўсмирни катта ёшдагилар ва тенгдошлараро муносабатлари ўзгариши билан изоҳланади [5].

Тенгдошлар билан доимий мулоқотга эҳтиёжнинг кучайиши, ўзлигини тасдиқлашга интилиш, тенгдошларининг ўзи ҳақидаги фикр мулоҳазаларига таъсирчанлик ўсмирлик даврига хос хусусиятлардир. Психолог тадқиқотчилар тарбияси қийин ўсмирларнинг вужудга келишига ижтимоий муҳитдан ташқари, педагогик, психологик сабаблар ҳам борлигини кўрсатади. Назарий мулоҳазалар анализи, ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари мотивини системали ўрганиш жараёни тарбияда меъёрдан четга оғиш сабаблари, хилма-хил эканлигини кўрсатади.

Балоғат даврида ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик ўсмирни назоратсиз қолдириши, бўш вақтини тўғри уюштирмаслиги, ўқишга нисбатан салбий муносабат, синф жамоаси билан алоқани ёмонлашуви, спиртли ичимликка ўрганиш, тажоввузкор, серзардалик тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Тарбияси қийин

Ўсмирларни ўрганишда ижтимоий муҳитдан ташқари педагогикпсихологик сабаблар мавжудлигини ҳисобга олиш, қонунбузарликни келиб чиқиш сабабларини диагностика ёрдамида аниқлаш, тарбияси қийин ўқувчилар шахсини аниқлаш уларнинг психологик муносабатларини инobatга олган ҳолда типологиясини тузиш типологик хусусиятларга биноан индивидуал иш олиб бориш, қонунбузарликни олдини олиб ва тарбияси қийин болаларни қайта тарбиялаш методларини амалга тадбиқ қилиш, бу муаммони ечилишига ёрдам беради.

Юқорида таъкидланган номақбул оилавий шарт-шароитлар билан бирга тарбияси қийинликни келтириб чиқарувчи мактаб, қариндош-уруғ, маҳаллаларни болалар тарбиясига эътиборсизлигини ҳам киритишимиз мумкин. Бироқ ёмон ота-онанинг боласи албатта ёмон бўлади деб ҳисоблаш хатодир. Ўсмир номақбул ташқи таъсирларни ўз истаганича рангбаранг тарзда идрок этади ва ўзлаштиради. У салбий таъсирларни қабул қилмаслиги, рад этиши, уларга қарши курашиши ҳам мумкин.

Болаларнинг тажовузкорлигини кучайиши нафақат ўқитувчилар ва психологлар, балки бутун жамият учун энг муҳим муаммолардан биридир. Ушбу мақолада тажовузкор болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишларининг йўналишлари ҳақида гап боради, салбий ҳолатларга муносабатни кўрсатадиган тузатиш усули ва техникаси кўрсатилган. Агрессив болалар билан ишлашнинг ушбу коррекцион йўналишининг мақсадлари ва вазифалари болани муаммоли вазиятда ўзини назорат қилишнинг турли усулларини кўришга ўргатиш, шунингдек, болага конструктив хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериш, шу билан муаммоли вазиятда унинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш доирасини кенгайтириш ва минималлаштириш (идеал ҳолда олиб ташлаш) дан иборат [6].

Агрессияга мойилликни бартараф этишнинг илмий ва услубий жиҳатлари ўсмирларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларини психокоррекция қилиш масалалари, ушбу ишнинг методологияси, машғулотларнинг табиати ва уларнинг натижалари келтирилган. Бунда когнитив терапия, гесталт терапияси, хулқ-атвор терапияси ва психотерапиянинг бошқа соҳаларида қўлланиладиган ҳиссий касалликларни тузатиш бўйича услубий ёндашувлар таҳлили келтирилган. Хусусан, когнитив, гесталт ва хулқ-атворли ёндашувлар асосида “Хулқ-атворни модификация қилиш тренинги” дастури ишлаб чиқилган. Тренинг давомида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: ўз эҳтиёжларини англаш; салбий ҳис-туйғуларга жавоб бериш ва ҳиссий ҳолатни тартибга солишни



ўрганиш; этарлича ўзини ўзи қадрлашни шакллантириш; мақсадли хулқ-атвор, ички ўзини ўзи бошқариш ва салбий таъсирларни олдини олиш усулларига ўргатиш; ижобий ахлоқий позитсияни шакллантириш, ҳаёт истиқболлари ва келажакни режалаштириш шулар жумласидандир [6].

Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда педагогларда касбий стрессни бартараф этиш ва стрессга барқарорликни шакллантириш учун биз экспериментал гуруҳга мансуб педагогларимизда қуйидаги хусусиятларни ривожлантирдик: ўз-ўзига адекват баҳо, ўз имкониятларини тўғри баҳолай олиш, аналитик тафаккур, психосоциал саломатлигига нисбатан рефлексив муносабат, шахслараро муносабатларда толерантлик, рационал кун тартибига риоя этиш, эмоционал интеллект, ижтимоий интеллект, конформликка интилиш ҳисси, вазиятга адекват баҳо бериш, ижтимоий перцепция, ўз эмоцияларини бошқариш.

### **ТАКЛИФЛАР**

Агрессив болаларнинг ота-оналарига маслаҳатлар:

Фарзандингиз билан бирга ўйнанг, фарзандингиз салбий ҳиссиётларини ўйин орқали чиқариб юборсин.

Болага агрессив ҳаракатларининг оқибатларини босиқлик билан тушунтириш, агрессив ҳаракатларига нисбатан жавобгарликни сезишга кўмаклашинг.

Фарзандингизни камситманг, ҳақорат қилманг.

Унинг ютуқларини, ижобий хислатларини айтинг.

Болага ҳаддан ташқари кўп тўсиқлар қўйманг, овозингизни баландлатманг.

Вазиятни назорат қилишга ҳаракат қилинг, вазиятни тинчлик билан тушунтириш.

Жисмоний жазо қўлланманг.

Фарзандингизни яхши кўришингизни айтиб туринг, меҳрли нигоҳларингиз, ширин сўзларингизни аяманг.

Атрофдагиларга ғамхўрлик қилишига имкон яратиб беринг.

Болангизга эътиборлироқ бўлинг, унинг эмоционал қўрқувини ҳис қилинг.

Болангизни эшитишни ўрганинг, қизиқтирган саволларига жавоб беринг.

Оиладаги агрессив муносабатларга барҳам беришга ҳаракат қилинг.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасасида психолог, тарбиячи ва оилада ота-она болага қийинчиликларни енгишга ёрдам берса, болани тинчлантира олса, меҳрибонлик, ғамхўрлик билан муносабатда бўлса, агрессив хатти-ҳаракатларини камайтириш ва енгиб ўтишига имконият яратилади.

Машҳур оилавий терапевт Вирджиния Сатир болани кунига бир неча маротаба кучоқлашни тавсия этади. Унинг фикрича, 4 маротаба бағрга босиш ҳар бир инсонга фақатгина яшаш учун керак экан, яхши кайфият учун эса кунига 8 маротаба бағрга босиш керак экан! Бола интеллектуал ривожланиши учун эса кунига 12 маротаба уни кучоқлаш керак! Ва шуни билинги, бу нафақат болага, катталарга ҳам керак.

Бола ота-онаси уни доим тушунишлари ва нима бўлганда ҳам қабул қилишларини ҳис этиши керак. Болага ушбу нарсалар ўсаётган организмга овқат керак бўлганидек жудаям зарур. Улар болани психологик ривожлантириб, ҳиссий озиклантиради. Агар бола шу қўллаб-қувватлашни олмаса, ҳиссий муаммолар, хулқида камчиликлар, агрессив ҳаракатлар кўзатилади, ҳаттоки, асаб-психик касалликлар вужудга келади.

Шу сабабли агрессив бола билан ишлаш жараёни – ота-оналар ва педагоглардан сабр, меҳр ва бола тарбиясига илмий асосланган ягона ёндашувни талаб қилади. Тўғри йўсинда олиб борилган тарбия натижасида бола ўзини назорат қилиш, атрофидаги инсонларга меҳрли муносабатда бўлишни ўрганади, руҳий жиҳатдан соғлом ўсади, мустақил фикр юритади ва катта ҳаётга дадил қадам қўйишга тайёрланади.

## REFERENCES

1. Хайдаров, М., Алламурастов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).
2. Сафарова, Д. Д., Пулатова, М. Д., & Султанова, Ю. А. (2017). Взаимоотношения показателей гемодинамики с проявлением физической работоспособности у спортсменов-дзюдоисток. *Наука и спорт: современные тенденции*, 14(1).
3. Пулатова, М. Д. (2020). Применение восстановительных комплексов после травматических повреждений квалифицированных борцов. *Интернаука*, (8-1), 22-23.
4. Шукурова, С. С., Пулатова, М. Д., & Серебряков, В. В. (2021). Изменения показателей макроэлементов в крови у футболистов после физической нагрузки. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).

5. Шукурова, С. С., Сейдалиева, Л. Д., & Шарипова, С. Н. (2021). Анализ гемодинамики игроков во время тренировочного процесса. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).
6. Қутлимуратов, И. Х. (2021). Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1).
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. *Theoretical & Applied Science*, (6), 78-82.
8. Алиев, И. Б. (2020). Курашчиларнинг мусобака олди тайёргарлик боскичларидаги толиқиш белгиларини турли х, ажмдаги таъсирига қараб юкламаларни тақсимлаш. *Фан-спортга*, (2), 42-45.
9. GAZIEV, S. (2020). Improving the speed-strength preparedness of sambo wrestlers at the stage of sports improvement. *Фан-Спортга*, (1), 56-60.
10. Bakhtiyorovich, O. B. Improvement of methodology of development of technical and tactical methods with rapid power of belbog wrestlers.
11. Madraimov, H. K., & Aliyev, I. B. (2020). Distribution of training loads, taking into account the pre-competition training of freestyle wrestlers. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(9), 348-351.
12. Назаров, Н. Н., & Юсупов, Н. М. (2012). Философские особенности и развитие футбола в республике узбекистан. *Педагогические науки*, (3), 93-96.
13. НАЗАРОВ, Н. (2020). Мутафаккирлар илмий меросларидан фойдаланган ҳолда спортчи ёшларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларини шакллантириш. *Фан-Спортга*, (3), 38-41.
14. Egamberdiyev, I. O. (2021). Unconventional development of balance on land in young kayakers. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
15. Geyger, A. I. (2021). Immunity of swimmers in the conditions of modern training. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
15. Собирова, Ш. У. (2019). Использование рекламных текстов в обучении иностранному языку. *Молодой ученый*, (18), 48-50.
17. Норбоева, Ф. Р. (2020). Перевод маркетинговых терминов в сфере спорта с английского языка на русский. *Интернаука*, (26-2), 27-28.
18. Норбоева, Ф. Р. (2020). Процесс преподавания иностранного языка в неязыковом вузе. *Интернаука*, 20(149 часть 2), 74.
19. Rakhmatullayevna, N. F. (2020). The role of modern pedagogical technologies in the education system. *Наука и образование сегодня*, (6-2 (53)).
20. Xolisov, B. A. (2017). Yangi iqtisodiy siyosatning turkiston xalq xo'jaligiga ta'siri. *ЎзМУ хабарлари*, 129-132.

21. Jurayev, I. B. (2021). Futzal hakamlarining jismoniy tayyorgarlilarini yaxshilash hamda mavsumiy topshiriladigan fifa fitness testiga tayyorlash. *Internauka*, 4(180), 75-77.
22. Mengliboyev, A. X. (2020). Tarixiy shaxslarning milliy manfaatlar uchun kurashi tarixidan. *Ўтмишга назар*, 215-219.
23. Xojiyev, S. S. (2021). Yosh xokkey darvozabonlarining shaybani to'sish harakatlari samaradorligini oshirish. *Internauka*, 5(181), 99-101.
24. Шукуров, М. Н. (2021). Курашчиларнинг организмига кластерланган махсус тайерлов техник машқларининг таъсири. *Наманган Давлат Илмий Ахборотномаси*, 366-369.
25. Ёкубова, Д. Т. (2020). Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникасининг ривожланишида м.с. истоминнинг фаолияти. *Хоразм маъмун академияси ахборотномаси*, 120-123.
26. Авлаев, О., & Жўраева, С. (2019). “Бахтни белгилашда адаптация даражасининг нисбийлиги”. *“ПСИХОЛОГИЯ” илмий журнал*, 4, 121-128.
27. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, 9(3), 24-28.
28. Рузикулов, Б. Б. (2020). ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ПРОЯВЛЕНИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ Работоспособности при нагрузках различной направленности у футболистов подросткового возраста. 2020 йилда ўтказиладиган хххii ёзги олимпия ва XVI паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари, 530-532.
29. Рузикулов, Р. (2019). О взаимосвязи между характером физической работоспособности при нагрузках различной направленности и категориями соматотипов у юных футболистов. Жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва услубиётини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, (1), 339-343.
30. Рўзикулов, Б. (2021). 12-16 Ёшдаги футболчиларнинг антропогенетик мезонлар ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари асосида функционал тайёргарликлари ва жисмоний ривожланганлик даражаларини баҳолаш. НамДУ илмий ахборотномаси, (3), 547-552.
31. Рўзикулов, Б. Б. (2021). Оценка уровня физического развития футболистов подросткового и юношеского возраста. *Fan-sportga*, (1), 73-75.